

XALQ TABOVATI PLUS

илмий, амалий, ижтимоий, тиббий, маърифий журнал

Муассис ва ахборот ҳамкорлар

- Ўзбекистон тиббий-илмий фойда билан шуғулланувчилар Табобат Академияси
- «Табобат Академияси» нодавлат таълим муассасаси

ТАХРИРИЯТ

Иброҳимжон АСҚАРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор

Қамолiddин ГОПИРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси бош илмий котиби, Ўзбекистон қаҳрамони, доцент

Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик ошйшталлик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи, бош давлат санитария врачлари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳабибулло АКИЛОВ,

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жамшид МИРРАҲИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг Халқ табобати илмий амалий маркази раҳбари

Неъматжон МАМАСОЛИЕВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуҳамид МАҲСУМОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, профессор

Зокиржон МАШРАБОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор

Нодирбек АСҚАРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор

Рустам ҲАМДАМОВ,

техника фанлари доктори, профессор

Рустамжон НУРИДДИНОВ,

кимё фанлари доктори, профессор

Анваржон ГАФАРОВ,

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Нурали МУҲАММАДИЕВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор

Обиджон АБДУЛЛАЕВ,

нодавлат Табобат Академияси таълим муассасаси директори, кимё фанлари доктори

Миржалол МЎМИНЖОНОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси раиси ўринбосари, кимё фанлари доктори

Шокиржон ҚОДИРОВ,

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Иброҳимжон ИСМОИЛОВ,

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Улуғбек ВАЛИХОНОВ,

олий тоифали шифокор

Қодиржон ЮСУПОВ

тиббиёт фанлари доктори

Холиқжон СУЛАЙМОНОВ,

биология фанлари номзоди, доцент

Абдуқодир САТТАРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси аъзоси, олий тоифали шифокор

Лойиҳа муаллифи

Рустам САФОЕВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси аъзоси

Бош муҳаррир

Шукур ЖАББОР

Саҳифаловчи

Мадинабону АБДУКАРИМОВА

МУНДАРИЖА

Ж.А. Мирраҳимов, М.М. Хаитбаев

Халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари.....2

К.Э. Дониева, З.А.Сманова

Рух бирикмаларининг фойдали ва токсик хусусиятлари.....7

И. Асқаров, А. Ўрмонов

Прополиснинг органолептик хусусиятларини ўрганиш ва халқ табобатида қўллаш.....9

К. Каримкулов, Л. Раджабова

Энергетик ичимликлар таркибидаги витаминларнинг инсон саломатлигига таъсири12

А.Ш. Иноятлов, Ж.Ш. Нарзиев

Витилиго: Замонавий ташхисот ва инновацион даволаш.....16

Ҳ.Р. Раҳимова, А.А. Ибрагимов

Phlomis canescens ўсимлигининг физик-кимёвий таҳлили.....19

Г.Д. Олимжонова

Кўкрак беги саратонига олиб келадиган кансерогенлар ва уларнинг кимёвий таркиби.....22

О. Темирхўжаева

Гипертония ва уни халқ табобати усуллари билан даволаш.....25

И.Р. Асқаров, Д.Т. Хасанова, Д.Қ. Нишанова

Оғиз бўшлиғи касалликларини даволашда қўлланиладиган кимёвий препаратлар.....27

М.У. Ҳакимов

Озиқ – овқат экинларидан халқ табобатида фойдаланиш.....29

М.К. Галдиев

Бирламчи куплаб ошқозон ичак тизими хавфли усмаларида даволаш натижалари.....32

И.Р. Асқаров, А.С. Хожиқулов, И.Р. Гоффоров

Нафас йўллари касалликларини халқ табобати усуллари билан даволаш35

Д.И. Ходжаева

Сут беги фиброз-кистоз касалликларининг хавф омиллари ва морфологик хусусиятлари.....37

А.М. Раҳматов, О.О. Жаббаров, Ш.А. Кодирова,

Ш.И. Ходжанова
Полигидронофрознинг клиник кўринишлари.....41

И.Р. Асқаров, А.С. Хожиқулов, Д.А. Кенжаева

Тиш касалликларини халқ табобати усуллари билан даволаш.....43

О. Темирхўжаева, И.Р. Асқаров, М.М. Мўминжонов

Қон босимини даволашда қўлланиладиган айрим ўсимликларнинг кимёвий таркиби.....45

Профессор И.Р. Асқаровнинг парҳез муолажаларидан тавсиялар:

Қандли диабет хасталигига чалинганлар учун.....47

Теридаги оқ доғлар муолажаси, Псориаз хасталигини даволаш тартиби.....48

Тахририятнинг розилиги билан «Халқ табобати plus» журналида эълон қилинган материаллар кўчириб босишга ижозат этилади. Муаллифлар томонидан берилган мақола ва материаллар учун тахририят жавобгар эмас. Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 27-августда 1035-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Нархи келишув асосида.

Мақолалар ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланади.

Босишга 03.03.2023 й.да рухсат берилди. Офсет босма усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1/8. Қоғоз ҳажми 5,5 босма табоқ. Адади 600. Буюртма №.....

«СПЕКТОР ПОЛИГРАФ» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, д.51

Тахририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (371) 241-18-63

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1358

ПОДАГРИК НЕФРОПАТИЯНИНГ КЛИНИК КЎРИНИШЛАРИ

КЛИНИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ПОДАГРИЧЕСКОЙ НЕФРОПАТИИ

CLINICAL VIEWS OF PODAGRIC NEPHROPATHY

А.М. Рахматов, О.О. Жаббаров, Ш.А. Кодирова, Ш.И. Ходжанова
Тошкент Тиббиёт Академияси

Аннотация: "Подагрик нефропатия" – терма тушунча бўлиб, подаграда буйракдаги ўзгаришларга айтилади. Буйракларнинг зарарланиши подаграли беморларнинг 30-75% ҳолда учраши аниқланган. Сийдик кислотасининг буйраклар функциясига бевосита таъсир қилишида иккита механизм борлиги тадқиқотларда келтирилган. Биринчидан, гиперурикемия буйрак каналчалари эндотелийсининг зарарланишига ва яллиғланишига олиб келади. Иккинчидан, гиперурикемия буйрак коптокчаларидаги гемодинамиканинг бузилишига сабаб бўлади.

Аннотация: "Подагрическая нефропатия" - термин, используемый для описания изменений почек при подагре. Поражение почек обнаруживается у 30-75% больных подагрой. Исследования показали, что мочевая кислота оказывает два прямых влияния на функцию почек. Во-первых, гиперурикемия приводит к повреждению и воспалению эндотелия почечных канальцев. Во-вторых, гиперурикемия приводит к нарушению гемодинамики в почечных клубочках.

Annotation: "Gout nephropathy" is a term used to describe changes in the kidneys in gout. Kidney damage is found in 30-75% of patients with gout. Studies have shown that uric acid has two direct effects on kidney function. First, hyperuricemia leads to damage and inflammation of the endothelium of the renal tubules. Second, hyperuricemia leads to impaired hemodynamics in the renal glomeruli.

Калит сўзлар: подагра, гиперурикемия, тофус, подагрик нефропатия

Ключевые слова: подагра, гиперурикемия, подагрическая нефропатия

Keywords: gout, hyperuricemia, gouty nephropathy

Мақсад: подагрик нефропатиянинг клиник кўринишларини ўрганиш.

Материал ва усуллар: Подагрик нефропатия ривожланган 52 та беморнинг касаллик тарихи ўрганилди. Улардан 40 таси эркак, 12 таси аёл. Беморларнинг ўртача ёши 53,2. Беморларнинг шикоятлари, анамнестик маълумотлари, объектив кўрик натижалари ўрганилди.

Текшириш усуллари: умумклиник лаборатор таҳлиллар билан бир қаторда қонда ва сийдикда сийдик кислота, қонда мочевина, креатинин миқдори, Реберг, Зимницкий синамалари ва буйраклар УТТ и ҳамда ренография натижалари таҳлил қилинди.

Натижалар: Подагранинг ўзига хос

белгиларидан бири, буйрак-тош касаллиги ҳисобланди. Беморларнинг 26 таси (50%) буйрак каналчаларида тофуслар ва 7та беморда (12%) эса буйрак жомларида тошлар кузатилди. Бунинг сабаби буйракнинг оралиқ тўқимасига уратларнинг тўпланишидир ва бу ҳолат кейинчалик интерстициал нефрит ривожланишига замин яратади.

Маълумки, уратли нефролитиазга хос белгилар, яъни сийдик рНи нордон бўлганда, тош ҳосил бўлиши хавфи ошиши, подагрик артрит билан биргаликда йиллар давомида кечиши, буйрак санчиғи кўринишлари безовта қилиши, кўп ҳолда пиелонефрит билан асоратланиши кўплаб тадқиқотларда аниқланган, аксарият ҳолда семириш

ва артериал гипертония билан биргаликда келиши, сурункали буйрак касаллиги секин-аста ошиб бориши кўплаб тадқиқотларда аниқланган.

Ўрганилган беморларда, яъни, эркакларда уратли нефролитиаз аёлларга нисбатан 10 марта кўпроқ аниқланди: бу ҳолат 3 та аёлда ва 20 та эркакда аниқланди.


Хавф омиллардан бемор эркакларнинг 20 тасида ва аёлларнинг 4 тасида семиришнинг II-III даражалари, шунингдек, беморларнинг 70% (36 та) ида артериал гипертония ва 35% (18 та) ида ЮИК: Стабил зўриқиш стенокардиясининг II-III функционал синфлари асосий касаллик билан биргаликда келганлиги кузатилди.

Барча беморларнинг умумий сийдик таҳлилида сийдикнинг нисбий зичлиги пассиванлиги, микрогематурия, протеинурия, сийдик кислотаси кристаллари, қоннинг биохимик таҳлилида эса гиперурикемия, азотемия аниқланди. Буйраклар УТТ и ва

радиоизотоп ренография текширувларида буйракларнинг функцияси 62% (32 та) беморларда бузилганлиги аниқланди. 13 та беморда (25 %) сурункали буйрак касаллиги ривожланган.

Шуниси эътиборлики, гўшт маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, шоколад ва дуккакли маҳсулотлар қабул қилишни кескин камайтирган беморларда (30 та) лаборатор ва инструментал текширув ҳулосаларида ижобий натижалар олинган, хусусан сийдик кислотата

Хулоса: Подагрик нефропатияни эрта ташхислаш учун қонда сийдик кислота миқдорини ва буйраклар экскрециясини аниқлаш, буйраклар, сийдик йўллари УТТ, буйраклар КТ, МРТ текширувларини ўтказиш лозим. Сийдик кислотанинг буйраклар орқали экскрецияси (суткалик сийдикда) ни ирсий подаграли анамнезли, 25 ёшгача сийдик-тош касаллиги мавжуд беморларда аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пиани. Ф., и Джонсон. Р. Дж. (2021). Существует ли подагрическая нефропатия и встречается ли она чаще, чем мы думаем? *Kidney International*, 99 (1), 31-33.
2. Рейф, М.С., Константинер, А., и Левитт, М.Ф. (1981). Хроническая подагрическая нефропатия: исчезающий синдром? *Медицинский журнал Новой Англии*, 304 (9), 535-536.
3. Jabbarov, O.O., & Khujaniyazova, N.K. (2022). Assessment of the role of the leu28pro polymorphic marker of the apoe gene in diabetic nephropathy. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(1), 297-301.
4. Mirzayeva. G.F., Jabbarov. O.O., Tursunova. L.D., & Buvamukhamedova, N. T. (2021). GOUTY NEPHROPATHY: DIAGNOSIS, TREATMENT APPROACHES. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 503-509.
5. Tursunova. L. D., & Jabbarov. O. O. (2021). APPLICATION OF SAKABUTRIL/VALSARTAN IN PATIENTS WITH CHRONIC KIDNEY DISEASE WITH TYPE 2 DIABETES MELLITUS. *Art of Medicine. International Medical Scientific Journal*, 1(1).
6. Rakhmatov. A.M., Jabbarov. A.A., Kodirova. S.A., & Jumanazarov. S.B. (2022). CLINICAL MANIFESTATIONS OF GOUTHY NEPHROPATHY. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(6), 140-141.
7. Xodjanova. S. I. (2022). YURAK ISHEMIK KASALLIGI BILAN OG'RIGAN BEMORLARDA TROMBOTSITLAR AGREGATSIYASI VA UNGA ASPIRINNING TA'SIRINI BAHOLASH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 883-892.
8. Ходжанова. Ш. И., & Аляви. А. Л. (2022). YURAK ISHEMIK KASALLIGI MAVJUD BEMORLARDA TROMBOSITLAR AGREGATSIYASI TEKSHIRUVIDA ANTIAGREGANT DAVOGA NISBATAN REZISTENTLIK HOLATI. *Журнал кардиореспираторных исследований, (SI-2)*.